



ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИДА СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Сувонова Соҳида Жумахон қизи

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг

306-гурух курсанти

Аннотация: ушбу мақолада, хукуқбузарликлар профилактикасида субъектлар фаолиятини ташкил этиш жараёнлари, хукуқбузарликга қарши курашишда амалга оширилган ишлар хукуқбузарликдаги юритилган статистикалар кенг ёритилиб берилган.

Таянч сўзлар: профилактика, қонун, субъект, хукуқбузарлик, ижтимоий хавфлилий, мамурий, жиноий, жавобгарлик.

Аннотация: в данной статье широко освещены процессы организации деятельности субъектов по профилактике правонарушений, статистика, проводимая в рамках борьбы с правонарушением.

Базовые слова: профилактика, закон, субъект, правонарушение, общественная опасность, должностное лицо, уголовная ответственность.

Abstract: this article extensively covers the processes of organizing the activities of subjects for the prevention of offenses, statistics conducted in the framework of the fight against offense.

Basic words: prevention, law, subject, offense, public danger, official, criminal liability.

Субъект – тушунчаси фаол фаолият кўрсатувчи, билувчи, онг ва иродага эга бўлган индивид ёки ижтимоий гурух. «Субъект» тушунчасини юонон файласуфлари субъект тушунчаси билан бир хил маънода тушунишган. Жамият уни тадқиқ этувчи тадқиқотчи учун эса объектdir, ўзидан ташки олам учун уни ўрганувчи субъектdir.

Хукуқбузарликлар профилактикасида амалга оширувчи субъектлар белгилаб утилган. Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонунда берилган.

9-модда. Хукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизими

Хукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизимига қўйидагилар киради.

ички ишлар органлари

прокуратура органлари

Миллий хавфсизлик хизмати органлари



адлия органлари
давлат божхона хизмати органлари
давлат солиқ хизмати органлари
мөннат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари
таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари
давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш
муассасалари

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси
органлари

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги

Ўзбекистон Республикаси Ёшлилар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий
бўлинмалари.

Бу субъектлар фаолияти ҳақида Ўзбекистон Республикасининг
хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун 2014 –йил 14 –майда
қабул қилган қонунда белгилаб ўтилган.

Хуқуқбузарлик жамият ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи
ижтимоий-хуқуқий ва руҳий ҳодиса бўлиб, бугунги кунда хуқуқбузарликлар
профилактикаси жиноятчиликка қарши курашишда бош йўналишга айланди.

Жиноятчиликка қарши куаш ва унинг олдини олиш борасида ички ишлар
органларининг фаолияти замон талабларига жавоб берадиган даражада тубдан
ислоҳ қилинди. Ислоҳатлар жараёнида хуқуқбузарликлар профилактикаси
тизимини такомиллаштириш ва уларнинг моддий-техник таъминотини янада
яхшилаш, фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган чора-
тадбирлар амалга оширилди. Бу чора-тадбирларнинг барчasi қонун
устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимса-
қилиш қаратилгандир.

“Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш амалга оширилаётган барча
ислоҳотлар самарадорлигига эришиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш,
мамлакатда тинчлик, тотувлик ва барқарор вазиятни таъминлашнинг асосий
кафолатидир”.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларнинг туб мақсади жамият
аъзоларининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, уларнинг эркин ва
фаровон ҳаёт кечиришларини кафолатлашдан, давлат ва жамият тараққиётини
яхшилашдан иборатдир. Шу билан бир қаторда ҳар бир фуқаронинг маънавияти
ва дунёқарашини янги давр талаблари асосида шакллантириш, ҳамда шахс
маънавиятида юзага келадиган салбий қарашларга йўл қўймаслик давлат
сиёсатида алоҳида эътиборга олинган. 2023 йилда содир этилган жиноятлар

умимий сони 81 100 тани ташкил этиб, хар 100 минг аҳолига ўртача 322,4 тадан тўғри келмоқда. 2023 йилда қотиллик жиноятларининг ҳар учинчиси -37,1 фоизи, оғир тан жароҳати етказиш жиноятлари оиласвий муаммолар туфайли содир этилган. Оилалардаги нотинчлик, низоларнинг ўз вақтида ҳал этилмаслиги, махалла фаоллари ва кенг жамоатчиликнинг эътиборидан четда қолганлиги оқибатида ўта оғир жиноятлар содир этилмоқда. Хусусан, 2023-йилда қотиллик жиноятларининг ҳар учинчиси ёки 158 таси (37,1 фоизи), оғир тан жароҳати етказиш жиноятларинг 180 таси (14,4 фоизи) оиласвий муаммолар туфайли содир этилган. Оғир турмуш шароитида яшаётган аёлларнинг муаммолари тўлиқ ҳал этилмасдан келинаётганлиги туфайли 2023 йилда 9 789 нафар хотин-қиз томонидан 9 053 та жиноят содир этилган. Ҳукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар фаолияти мониторинги ҳамда унинг натижалари таҳлилини, биринчидан, ушбу фаолиятни бевосита амалга оширувчи ҳар бир субъект лар биргаликда олиб борилишлари самаралидир.

Янги Ўзбекистонинг ички ишлар органлари ҳам янгиланиб, такомиллашиб бормоқда. Президентимиз ўтган йили касб байрамимиз муносабати билан йўлган табригида “Агар давлат тайанадиган асосий устун қонун булса, унинг кучини амалда намоён этадиган энг самарали тизим бу-ички ишлар соҳаси, десак айни ҳақиқат бўлади” деб таъкидлаб ўтган. Бу юксак баҳо осойишталик посбонларини қонун устуворлигини таъминлаш йўлида янада фидойлик билан хизмат қилишга ундейди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев раислигига 2021 йилнинг 12 февраль куни Ички ишлар вазирлиги Ҳайъатининг кенгайтирилган тарзда ўтказилган йифилиши 8-сон баёни қароридан келиб чиқиб, жамловчи ички ишлар органларидағи ёш ходимларнинг фаолиятини таҳлил қилиш, улар билан амалга оширилаётган мураббийлик ишларини сифатини ўрганиш ўз навбатида бу йўналишдаги муаммоларни бартараф этилишини таъминлаш ҳукуқбузарликлар профилактикси ва жиноятчиликка қарши қураш самарадорлигини оширишга хизмат қиласди. Ҳар бир фаолиятнинг ҳукуқий тартибга солинганлиги, биринчидан, уни ташкил этиш тартибини мустаҳкамласа, иккинчидан, ҳамкорлик бўйича субъектлар фаолиятининг асосий вазифаларини белгилаб, уларнинг масъулиятини оширишга ҳамда ҳамкорлигини самарали ташкил этишга хизмат қиласди.

Субъектлар фаолиятини ташкил этишда кенг жамоатчилик билан ҳамкорлиги ташкил этиш кенг жорий қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Хуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Конуни хуқуқбузарликлар профилактиказини ташкил этиш ва амалга оширишдаги вазифаларни аниқ йўналишларини белгилаб берди. Хуқуқбузарликлар профилактиказини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар фаолияти мониторинги ҳамда унинг натижалари таҳлилини, биринчидан, ушбу фаолиятни бевосита амалга оширувчи ҳар бир субъект ўз соҳалари бўйича, иккинчидан, фаолиятни ҳамкорликда амалга оширувчи субъектлар биргаликда олиб боришлари самаралидир. Мониторинг ва таҳлиллар натижаларини ҳар бир субъект ўз соҳаси бўйича алоҳида, шунингдек қонун ижроси учун маъсул бўлган субъектлар биргаликда ташкил этган амалий семинарлар, давра сұхбатлари ва илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилишлари ҳамда уларни ҳал этишга доир таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишилари мақсадга мувофиқдир. Албатта, ушбу таклиф ва тавсияларнинг ҳам илмий, ҳам амалий асослантирилган ҳолда хуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашларга ҳамда тегишли идораларга ўз вақтида тақдим этилиши бу соҳада самарадорликни оширишга хизмат қиласиган бошқарув қарорларининг қабул қилинишини таъминлашга хизмат қиласи.

Бугун давлатимиз раҳбари бошчилигига ҳалқчил ва демократик тамойилларга асосланган янги Ўзбекистонни барпо этмоқдамиз. Шу мақсадда, аввало, бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга энг муҳим вазифа сифатида устувор аҳамият қаратилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг ички ишлар органлари ҳам янгиланиб, тақомиллашиб бормоқда. Президентимиз ўтган йили касб байрамимиз муносабати билан йўллаган табригида “Агар давлат таянадиган асосий устун қонун бўлса, унинг кучини амалда намоён этадиган энг самарали тизим бу - ички ишлар соҳаси, десак, айни ҳақиқат бўлади” деб таъкидлаб ўтган. Бу юксак баҳо осойишталик посбонларини қонун устуворлигини таъминлаш йўлида янада фидойилик билан хизмат қилишга ундаиди. Охирги йилларда мамлакатимизда ёшларни етук ва малакали шахс сифатида шакллантириш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, хусусан, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев бу йўналиш долзарб эканлигини кўрсатиб, алоҳида вазифаларни маъсул давлат органларига белгилаб берди.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси <https://constitution.uz/uz/clause/index>
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ички Ишлар Органлари тўғрисида”ги Конуни, 16.09.2016 йилда қабул қилинган ЎРҚ-407-сон <https://lex.uz/docs/3027843?ONDATE2=21.04.2021&action=compare>
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси <https://lex.uz/acts/111453>
4. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси <https://lex.uz/acts/97664>
5. Ўзбекистон Республикасининг Кодекслар тўплами <https://kitobxon.com/uz/kitob/ozbekiston-respublikasining-kodekslari-toplami-1-2-jildlar>
6. Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.10.2019 й., 09/19/865/3908-сон; Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 11.02.2022 й., 07/22/126/0125-сон;

